

ЎҚУВЧИЛАРДА ҲАЁТИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТИ

Иноятхон Туйчиева

ФарДУ педагогика кафедраси мудири,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7234357>

Аннотация. Узлуксиз таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим олувчиларда универсал компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Замонавий адабиётларда ушбу компетенцияларни изоҳлашга оид бир нечта ёндашувлар мавжуд. Хусусан, кўникмаларнинг “ҳаётий” ва “мослашувчанлик” тушунчалари қўлланилмоқда. Мақоланинг мақсади – ушбу тушунчаларни узлуксиз таълимда қўлланилиши имкониятларини аниқлашдан иборатдир. Ушбу мавзудаги илмий ишларнинг таҳлили тушунчалар мазмун-моҳиятидаги нозик фарқлар, узлуксиз таълимда ушбу тушунчаларни қўллашнинг муҳим соҳалари ва фойдаланишининг имкониятлари ҳақидаги хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Калит сўзлар: узлуксиз таълим, универсал компетенциялар, ҳаётий ва мослашувчанлик кўникмаларининг таркибий қисмлари, таълим турлари.

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ЖИЗНЕННЫХ НАВЫКОВ УЧАЩИХСЯ

Аннотация: Непрерывное образование должно быть направлено на формирование у обучающихся универсальных компетенций в соответствии с государственными образовательными стандартами. В современной литературе существует несколько подходов к трактовке этих компетенций. В частности, используются понятия «жизнеспособность» и «адаптивность» навыков. Цель статьи - определить возможности использования данных понятий в непрерывном образовании. Анализ научных работ по данной теме позволяет сделать вывод о тонких различиях в содержании понятий, важных областях применения этих понятий в непрерывном образовании и возможностях использования.

Ключевые слова: непрерывное образование, универсальные компетенции, компоненты жизненных и адаптивных навыков, виды образования.

THE SOCIO-PEDAGOGICAL NECESSITY OF FORMING STUDENTS' LIFE SKILLS

Abstract. Continuing education should be directed to the formation of universal competencies in students in accordance with state educational standards. There are several approaches to the interpretation of these competencies in modern literature. In particular, the concepts of "vitality" and "adaptability" of skills are used. The purpose of the article is to determine the possibilities of using these concepts in continuous education. The analysis of scientific works on this topic helps to draw a conclusion about subtle differences in the content of concepts, important areas of application of these concepts in continuous education, and possibilities of use.

Key words: continuous education, universal competencies, components of life and adaptability skills, types of education.

INTRODUCTION

2022 йилнинг май ойида Тошкентда “Ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш: мазмун ва методика” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Республика таълим маркази Ахборот хизмати маълумотига кўра, 2020 йилдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги томонидан илғор халқаро тажриба асосида замонавий таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқитиш методикаси ва баҳолаш тизимини қамраб олган Миллий ўқув дастури лойиҳаси амалга оширилмоқда. Миллий ўқув дастури лойиҳаси доирасида фанлар олдига ҳар бир синф кесимида ўқувчида ривожланиши керак бўлган кўникмалар белгилаб берилди. Миллий ўқув дастури доирасида 2021 йилда 252 номдаги янги замонавий дарсликлар, ўқувчи машқ дафтарлари ҳамда педагоглар учун ўқув қўлланмалари тайёрланиб, мактабларнинг 1- ва 2-синфларида жорий қилинди. Миллий ўқув дастури ҳамда янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш жараёнларида жами 246 нафар миллий эксперт, жумладан, 119 нафар мактаб ўқитувчиси, олий таълимдан 105 нафар профессор-ўқитувчи, 22 нафар фан методист, шунингдек, ЮНИСЕФ, ЮСАИД ва бошқа халқаро донор ташкилотлари орқали жалб қилинган 16 нафар хорижий эксперт иштирок этмоқда.

Миллий ўқув дастури асосида янгиланаётган ўқув дастурларида мавзуларнинг 50 фоизи, яъни тенг ярми амалий мавзулар экани аҳамиятлидир. Мавзуларнинг амалиётга йўналтирилиши ўқувчида ҳаёт учун зарур бўлган кўникма шаклланиши, олинган билимни ҳаётда қўллай олиш имконини беради. Хусусан, Миллий ўқув дастури учун 20 та энг муҳим ҳаётий кўникмалар таянч компетенциялар сифатида танлаб олинган. Жумладан, фанлар мазмуни ҳамда янги ўқув методикалар ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий кадриятларга садоқат, фаол фуқаролик ва ташаббускорлик, ижодкорлик ҳамда танқидий фикрлаш, мулоқот қилиш кўникмалари, IT- ва медиасаводхонлик, жамоада ишлаш ва ҳаёт хавфсизлиги, бағрикенглик ва хайрихоҳлик, тадбиркорлик ва молиявий саводхонлик, меҳнатсеварлик ҳамда лидерлик, экологик маданият кўникмалари ривожланишига хизмат қилади[1].

Таълим соҳасидаги Ўзбекистон давлатининг сиёсати Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг[2] узлуксиз таълимнинг барча турларида амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу концепциянинг долзарблиги шу билан изоҳланадики, рақамли иқтисодиётни тез суръатларда ўсиб бориши билан кадрларнинг доимий ўз устида ишлаб боришга зарурияти ҳамда нафақат тор доирадаги мутахассисликка йўналтирилган кўникмалар мажмуасига эга кадрлар, балки кенг қўламли универсал компетенцияларга эга мутахассисларга эҳтиёжнинг мавжудлигидадир. Универсал компетенциялар ҳозирда ҳаётий ва мослашувчанлик кўникмаларга эга бўлиш билан изоҳланади. Ҳаётий ва мослашувчанлик кўникмаларини муҳим ва таянч билим, кўникмалар сифатида кўриб чиқиладиган бўлса, улар инсон учун ўзи танлаган касбий фаолиятида муваффақиятли ишлаб кетишига имкон беришини яққол кўриш мумкин.

MATERIALS AND METHODS

Шунингдек, ушбу кўникмаларни шакллантириш масалаларига бағишланган илмий ишлар маҳаллий илмий ва илмий-оммабоп нашрларни янада бойитади. Ушбу мавзудаги 2009-2019 йиллардаги илмий мақолаларни тасодифий излаш натижасида ҳаётий кўникмаларни шакллантириш масалалари бўйича шуғулланган муаллифларнинг 46 дан

зиёд илмий ишлари аниқланди. Ушбу мақолаларнинг ғояси узлуксиз таълим тамойили доирасида бирлашади.

RESULTS AND DISCUSSION

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисми сифатида *узлуксиз таълим* - малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади. Ўз навбатида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборатдир[3]. Бу эса юқорида қайд этилган Концепция ушбу дастурнинг замонавий талқиндаги мантикий давоми эканлигидан далолат беради. Чунончи, дастурнинг вазифалари сирасига кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришга қаратилганлиги таълим олувчиларда ҳаётий кўникмаларни шакллантирилиши таълим жараёнининг муваффақиятини белгилайди. Бироқ, бугунги кунда мавжуд анъанавий таълим тизим, яъни узлуксиз таълим тизимида қўлланилаётган ўқув дастурлари, ўқув жараёнлари ҳамда “келажак компетенциялари” даъво қиладиган талаблар ўртасидаги жарлик мавжуддир[4]. Бу эса ҳаётий кўникмаларни узлуксиз таълим тизимга қўллашнинг янада долзарблигини оширади.

Ҳаётий кўникмаларга эга бўлинганликни ҳеч қандай диплом билан тасдиқлаб бўлмайди. Бу шахснинг киришимлилиги, вазминлиги, креативлиги, вазиятга кўра мослаша олиш, кескин вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслик ва адекват равишда ҳаракатларини бошқара олишидир. Ушбу кўникмаларни чиғириқдан ўтказишда миянинг ўнг катта ярим шарлари (ижодий) ишлайди, EQнинг (эмоционал интеллект) юқори даражасига эга бўлган маъқулроқдир.

Ҳаётий кўникмалар касбий билимлардан кўра, ҳаётий билимлар каби ифодаланади. Бу тушунча замирида эса номутахассис фаолият шакли билан боғлиқ кўникмалар мажмуи билан бирга касбга оид сифатлар тушунилади.

Ҳаётий кўникмалар инсоннинг тўғридан-тўғри иш ҳаракатлари билан боғлиқ эмас, лекин ушбу кўникмалар унга ўз касбида юқори маҳсулдорликка эришишга имкон беради ва ўз олдига қўйган вазифаларни нисбатан муваффақиятлироқ бажаришига ёрдам беради. Бунда иш берувчилар бундай мослашувчан кўникмаларга эга бўлган кадрларни жон дили билан ишга қабул қиладилар. Бироқ, ҳозирги даврга қадар ҳар қайси бир олий таълим муассасасида (хусусан, бизнинг мамлакатимизда) ушбу кўникмалар онгли равишда талабаларга онгига сингдирилмайди.

Шу кунга келиб, мослашувчан ёки ҳаётий кўникмаларни умумий таснифи мавжуд эмас, чунки ушбу кўникмалар таърифи доирасида мос келувчи сифат ва кўникмаларнинг аниқ миқдори қайд қилинмаган. Шунингдек, ушбу кўникмалар тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари – тезлик, креативлик, мослашувчанлик, тизимлилик – билан тўлдирилади[5].

Тараққиётни ўзи нима тезлаштиради?

Инсон ўз устида ишлаш йўналишини аниқлаган пайтида танлов йўналиши бўйича тараққиётга олиб борувчи ҳаракатларни билишга интилади.

Инсонни нималар ривожланишига тўсқинлик қилади:

1. Ноаниқ мақсадлар, чалкаш режалар, қайси йўналишда ҳаракатлар олиб бориш ва буни нима учун бажариш кераклигини етарлича тушунмаслик;
2. Ўз ишида ва шахсий ҳаётида ниманидар тубдан ўзгартиришга тайёрмаслик;
3. Ҳали ҳеч ким бажариб кўрмаган, янги ишни бошлашга чўчиш. “Яхшилаб синалган йўл”дан боришни маъқул топиш.
4. Ўз хатти-ҳаракатлари ва эришган натижаларини мулоҳаза қилишга вақт ажратишни ҳохламаслик;
5. Иккинчи томоннинг манфаатдор эмаслиги.

Ҳаётий кўникмаларга хос компетенциялар.

Юқорида қайд этилганидек, ҳаётий кўникмалар аниқ таснифга эга бўлмаса ҳам, бироқ мутахассислар уни тўрт етакчи йўналишларга ажратган ҳолда ўрганадилар:

1. Коммуникативликнинг таянч кўникмалари. Улар ўзаро муносабатларни ривожланишига имкон беради, суҳбатни олиб бориш қобилиятини шакллантиради, кескин вазиятларда адекват ҳолда ҳаракат қилишга ёрдам беради.
2. Self-менеджмент (ўзини ўзи назорат қилиши) кўникмалари. Улар инсонни ўз хатти-ҳаракатлари, ҳолати устидан назорат қила олишига, рационал равишда вақтдан фойдаланишга ёрдам беради.
3. Маҳсулдор тафаккурлаш. Фикрларини бошқариш, тўғри мослаша олиш, йўналтира олишга эга бўлишлик билан ифодаланади.
4. Бошқарув кўникмалари. Раҳбарлик лавозимини қайсидир маълум босқичда қабул қилувчи ҳар бир инсонга зарурдир.

Ҳар бир йўналишга мос келадиган ҳаётий кўникмалари мавжуд. Коммуникативлик ўз таркибига тинглай олиш, ишонтира олиш ва далиллаш, муносабатларни қуриш ва уларни таъминлаб туриш, музокаралар олиб бориш, ижтимоий тақдимотлар олиб бориш кабиларни олади.

Self-менеджмент – ўзини бошқара олиши, стресс ҳолатларини назорат қилиш, шахсий такомиллашаётганини кузатиш, тайм-менежментни билиши, ташаббусини намоён қилиши, қатъиятли бўлиш, иштиёқ билан ишга ёндошиш каби қобилиятлар мавжудлигини назарда тутади.

Ҳаётий кўникмаларни қандай ривожлантириш бўйича тавсиялар барчага фаол равишда олға интилишга ёрдам беради. Бунда қуйидаги умумий қоидаларни инобатга олмоқ зарур:

1. Ривожланишни узлуксиз жараёнга айлантириш лозим. Ўз навбатида тажрибага эга бўлиш, мураккаб вазифаларни ҳал қила олиш, оддий усулдан кўра яхшироқ ҳаракат қилмоқ лозим. Асосийси тўхтаб қолмаслик керак.
2. Тараққиёт босқичларини саводли режалаштиришни ўрганиш;
3. Турли хил шакллардан фойдаланиш;
4. Қизиқувчанликни намоён қилиш, атрофдаги содир бўлаётган ҳодисаларни ўрганиш.

5. Ишидаги ҳақиқатдан ҳам долзарб аҳамиятга молик бўладиган йўналишларни танлаш жуда муҳимдир.

6. Кўпроқ ўқиш одатини шакллантириш жуда аъло ечим ҳисобланади.

Демак, ҳар бир ишни режали бошлаш ушбу ишнинг олдиндан содир бўладиган салбий оқибатларини вақтида бартараф этишга, энг асосийси ишнинг муваффақиятли яқунлашига ёрдам беради. Ўз навбатида ҳаётий кўникмаларни шакллантириш бўйича индивидуал режани исталган қулай пайтда ишлаб чиқиш мумкин. Муҳими, шахсий тараққиёти учун онгли равишдаинсон ўзига масъулиятни олиши лозим. Бунда кимгадир вазифа юклаш ёки кимнидир сабабчи қилиш ярамайди.

Режалаштириш пайтида уч муҳим асосни ажратиб олиш ниятда зарур:

1. Қайси соҳада ривожланишни ва мақсад қўйишни аниқлаш лозим. Бунинг учун йўлда учраши мумкин бўлган тўсқинликларни таҳлил қилиш, ушбу соҳадаги малакали инсонлар қўллаб-қувватлашларига эришиш лозим.

2. Нимани айнан ривожлантириш лозим. (кўникмалар / компетенциялар)

3. Ривожланиш қандай амалга ошади (мос келадиган воситаларни танлаш)

Режанинг асосий қисми бўйича бошқа саволлар бўлмаса, уни амалга ошириш бўйича босқичма-босқич лойиҳалаштиришга ўтиш мумкин.

1. Четдан туриб, конструктив танқидий баҳо бера оладиган мутахассисни топиш лозим.

2. Фаолият натижаларини баҳолашнинг мезонларини аниқ белгилаб олиш керак.

Ҳаётий кўникмаларни қандай ривожлантириши мумкин?

Ишда тезда таъсир кўрсатадиган натижаларга тез фурсатда эришишни кўзда тутилмайди. У ёки бу кўникмани ўзлаштириш учун вақт талаб этилади. Бунда эса қуйидагиларни инобатга олиш зарур.

- Қайта алоқани ўрнатиш
- Ўз устида ишлаш
- Бошқа кишилар ёрдамида ўқиш ва ментворкинг
- Махсус вазифаларни бажариш.

Педагогика фанида ушбу ҳолатда ўзига ўзи хизмат қилишнинг элементар ва “яшаб қолиш” кўникмалари жамиятдаги когнитив ёки бошқа жараёнларни издан чиққанлиги сабабли йўқотилган алоҳида ижтимоий кўникмаларни ўрнини қоплаш сифатида қараб чиқилади. Психологик фанлар эса “ҳаётий кўникма” тушунчаси шахснинг психологик ёш меъёрларига кўра қўлланилади[6].

Бирок, бу қатордаги чекловлар зиддиятларни келтириб чиқаради, бу эса ташкил этиладиган таълимий жараёнлар доирасидаги педагогик вазифаларни шакллантиришни қийинлаштиради. Бунда “ҳаётий” кўникмаларни такомиллаштириш ёки шаклланиб бўлинган ўзини тутиш услуги, ўзига ва атроф-оламга нисбатан қадриятли муносабатлар каби малакалар асосида мослашувчан кўникмалар ва таълим олувчилар қобилиятларини ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш бўйича назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси таълимий фаолиятнинг норматив- ҳуқуқий жамланмасининг тадрижий ривожланиш жараёнида белгиланган тушунчаларни бирлаштирилган яхлит

мажмуаси туради. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу ҳолатда мактабгача таълимдан тортиб кейинги олий таълимда, яъни универсал таълимий фаолиятдан олий таълим муассасасидаги универсал компетенцияларни шакллантириш изчиллигини ифодалайди. Шундай қилиб, инсоннинг онтогеник мантиқий ривожланишига кўра, “хаётий” кўникмалари тушунчаси мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларга нисбатан психопедагогик вазифаларни аниқлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу босқичда инсоннинг алоҳида қирраларини шиддат билан ривожланиши, унинг просоциал ва коммуникатив кўникмалари, ўзини бошқара олиш кўникмалари сингдирилади.

Инсоннинг келгусидаги шаклланиши унинг ижтимоийлашини янги даражага ўтиши ва мослашувчанлик имкониятларини шаклланиши билан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, мустақил, кимгадир муҳтож бўлмаслик имкониятини бериш билан бир пайтда ўзига яқин бўлган ижтимоий муҳит билан ўзаро боғлиқ ҳолда психосоциал (кишиларга дўстона ёрдам бера олиши), ижтимоий эмоционал кўникмалари ва когнитив қобилиятларини шакллантиради. Бу эса унинг умумий ўрта таълим билимини шакллантираётган даврга тўғри келади. Шунинг учун умумий ўрта таълим босқичида “хаётий” ва “мослашувчан” кўникмалар тушунчаларни белгиланиши Блум таксономияси (1-жадвал) асосида амалга ошириш мумкин[7].

Умумий ўрта таълим мактаби педагогикасида “хаётий” ва “мослашувчан” кўникмалар (1-жадвал)

Блум таксономияси таркибидаги кўникмалар	“Хаётий” кўникмалар	“Мослашувчан” кўникмалар
Билиш	Мавжуд маълумотларни билиш, хотирани такомиллаштириш (хабардор бўлиш, эсга тушириш)	Хотирани ривожлантириш учун мнемотехникани билиш, эслаб қолишга ёдга олишнинг оптимал усулларини танлаш
Тушуниш	талқин қилиш, мисоллар орқали тушунтириш, воқеаларни таснифлаш ва уларни умумлаштириш, хулоса чиқаришни ифодалаш асосида ўқув материали мазмунини шакллантирувчи мантиқий маънога эга моделларини қўллаш.	Мавжуд маълумотларни концептуаллаштириш (яхлит тизимгаумумлаштириш, масалан, оламни англаш), коммуникатив кўникмалар (тушунтириш, оламнинг хусусий манзарасини намунадагиси, бошқаларга аҳамиятга эга эканлиги билан таққослаш ва ҳ.к.)
Қўллаш	Жараёнларга оид кўникмаларга	Жараёнга оид метакогнитив

	эга бўлиш (аналогик вазиятлар ҳаракатининг алгоритми)	кўникмалар: хатти-ҳаракатлар алгоритми, алгоритмни амалга оширишнинг ҳар бир босқичидаги хатти-ҳаракатлар методлари ва йўллари, тайм-менежмент
Таҳлил	Воқеаларини дифференциялашга оид когнитив кўникмалар, уларни билан ишларни ташкил этиш, аввал ўзлаштирилган воқеаларни янгилари билан мувофиқлаштириш	Ташкилий-бошқарув кўникмалар: фаолиятни стратегик режалаштириш, режалаштиришда мақсад ва вазифаларни фарқлай олиш
Синтез	Ўтказилган таҳлилни умумлаштириш асосида ғояларни юзага келтирувчи когнитив кўникмалар	Ижодий қобилиятларни ривожлантириш. Метакогнитив жараёнга оид кўникмалар: умумлаштириш тамойиллари, қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ўзини кўрсата олиш ва янги ғояларни тақдим эта олиш кўникмалари: коммуникатив кўникмалар, жамоада ишлай олиш кўникмалари
Баҳолаш	Мулоҳаза ва хулоса қила олиш кўникмалари. Фаразларни текшириш, далилланган танқид ва ўзини танқид қила олиш тамойилларига эга бўлиш	Маданиятлараро, шахслараро мулоқот кўникмалари. Вербал ва новербал мулоқот кўникмалари. Психосоциал ўзини коррекциялай олиш ва шахсий таълимот тизимини коррекциялаш кўникмалари

Шунга кўра, умумий ўрта таълим муассасаларида “ҳаётий” кўникмалар ўқувчилар ўзини ривожлантиришининг мураккаб тизими сифатида “мослашувчан” кўникмаларини шаклланиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Б.Блум таксономиясини такомиллаштириш натижасида етарли даражада “ҳаётий” кўникмаларни тушуниш орқали осонгина мувофиқлаштириш мумкин. (2-жадвал) Бу эса узлуксиз таълимнинг навбатдаги босқичидаги муваффақиятини таъминлайди.

Олий таълим муассасаларида “ҳаётий” кўникмаларни шакллантириш (2-жадвал)

Блум таксономияси таркибидаги кўникмалар	“Ҳаётий” кўникмалар	“Мослашувчан” кўникмалар
Билиш	Танқидий фикрлаш ва музокара олиб бориш қобилияти	Таълим олувчининг соғлом фикрлай олиши, оила ва оламга нисбатан
Тушуниш		
Таҳлил		

Синтез		объектив муносабати
Баҳолаш		
Кўллаш	Ташкилий кўникмалар	Ўзини ва шахсий фаолиятини амалга ошириш ва фаолиятга нисбатан ҳозирликни шакллантириш
Билиш	Функционал кўникмалар. Мобиллик. Иш вақтини ташкиллаштириш кўникмаси	Янги вазият (ўзгарувчан / ноаник)га хос ишга тайёрлик, ишчанлик ва шахсинг касбий муҳим сифатларини шакллантириш
Тушуниш		
Кўллаш		
Тушуниш	Саволларни тинглай ва уларни бера олиш кўникмалари	Вазиятни, мулоқотдаги шерикларини тушуна олишгани нисбатан онгли ёндашув
Баҳолаш	Эмпатия ва ҳамдардлик билдира олиш	Ишончли ва дўстона муносабатларни ўрната олиш

2-жадвал мазмуни орқали олий таълимда талабаларда шакллантирилиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган “ҳаётий” кўникмаларини “мослашувчанлик” компетенцияларига нисбатан яқинлаштиришга ишора қилмоқда. Ўз навбатида олий таълим шароитида ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг “мослашувчан” кўникмалари ҳисобланади. Бунда у мавжуд билимларнинг пойдевори асосида бўлажак касбий фаолият субъекти сифатида ўз ўрнини белгилайди. Шунингдек, жараёнга оид ва метакогнитив кўникмалари таълим олувчининг мустақил ҳаётга психологик тайёрлигини намоён этиш сифатида ўзининг “мослашувчан” кўникмаларини ривожлантиришга ҳаракат қилади[8].

CONCLUSION

Шундай қилиб, олий таълим амалиётида мослашувчан кўникма деганда “ҳаётий” кўникмалар ёрдамида шаклландиган талабаларнинг кўникма, малака ва қобилиятлари мажмуини тушуниш мумкин. Ушбу мажмуа асосида талаба касбий фаолият билан бирга узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида (олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва ҳ.к.) ўзини намоён қилишига имкон берувчи касбий компетенциялари тизимини вужудга келишига олиб келади. “Мослашувчан” кўникмалар инсонда юқори адаптив салоҳият, яъни ҳаётининг барча соҳаларига киришиб кета олишини ва у ерда ўзини бандлигини ҳамда муваффақиятини таъминлаб беради. Улар инсоннинг ҳаёт кечириш сифати ва ундан қониққанлик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. “Мослашувчан” кўникмалар узлуксиз таълим натижасида касбий фаолиятда намоён бўлиш даражаси қуйидаги таркибий тузилмада яққол акс этади:

1. Ижтимоий-коммуникатив кўникмалар: жамоада ишлай олиши, малакаси,

бевосита вазифаларни амалга ошириш қобилияти, оғзаки ва ёзмамулоқотни йўлга қўя олиши, оммавий нутқ сўзлай олиши, новербал хатти-ҳаракатлар имкониятларидан фойдалана олиши, ахлоқийлиги ва этикет қоидаларига риоя қила олиши, ҳамкорлари билан ишончли муносабатларни ўрната олиши ва давом эттира олиши, маданиятлараро ҳамда шахслараро мулоқотларда бемалол иштирок эта олиши.

2. Ташкилий кўникмалар: жамоани шакллантира олиши, шахсий фаолиятини режалаштириши, устунлик жиҳатларни танлай олиш, амалга оширсан бўладиган вазифаларни қўя олиш, режани амалга оширишдаги давомий ҳаражатларни аниқлай олиши.

3. Функционал кўникмалар: шахсий ва касбий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган масалаларда глобал тармоқлардан фойдаланиш, ахборотни қидириш, баҳолаш, қайта ишлаш, сақлаш ва қўллаш олиши.

4. Ижтимоий-эмоционал кўникмалар: масъулиятни ўзига ола билиши, лидерлик қобилиятлари ва ташаббускорликни намоён этиши, ўз ҳиссиётларини назорат қила олиши ва мулоқотдаги ҳамкорини эмоционал ҳолатини фаҳмлай олиши ҳамда у билан муносабатни амалга оширишнинг адекват услубларини танлай олиш.

Демак, ХХI асрда яшаётган замонавий инсонларнинг компетенциялари трансформациялашиб бораётган жамият ва давлат иқтисодиёти талабларига жавоб бериши лозим. Айнан уларнинг шарофати билан инсонлар мураккаб бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда юзага келадиган эҳтиёжларни тезда қондира олувчи мослашувчан ҳамжамиятларни вужудга келади. Шу билан бир қаторда “келажак компетенциялари” инсонлар томонидан оммавий қўлланилса, жамият ва иқтисодиёт трансформацияси ҳам тезроқ, ҳам ишончлироқ асосга қурилади.

REFERENCES

1. <https://uza.uz/uz/posts/uzbekiston-hayotiy-konikmalarni-shakllantiruvchi-talim-tizimiga-otmoqda-372101> 19:15 / 13.05.2022
2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон. Электрон ресурс: www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 31-61.
4. Jack Cohen. So You Want To Work at a Startup? Hone These 11 Soft Skills First. - Electronic resource: <https://medium.com/the-ascent/so-you-want-to-work-at-a-startup-hone-these-11-soft-skills-first-377e9f27dc45> Date of the application: April 5, 2020
5. Measuring soft skills & life skills in international youth development programs. - URL:
6. <https://www.fhi360.org/sites/default/files/media/documents/resource-yp-measuring-soft-skills.pdf>. (дата обращения: 09.10.2019).
7. Акрамова Ш.А. Ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялар ва уларни қўллашнинг амалий масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ОХБИ, 2016. - 82 б.

8. Carri Remith George Avenues of life skills development in higher education // Education Sciences and Psychology. 2013. № 4 (26). 3–7 pp. —URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=21097529> (дата обращения: 01.09.2019).
9. Сиддииков, И. Б. (2019). Государственная Политика В Отношении Молодежи В Узбекистане: Национальный Опыт И Реальная Необходимость Международных Инициатив. In Условия Социально-Экономического Развития Общества: История И Современность (Рр. 38-43).
10. Ahmadjonovna, E. T., & Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions' Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). The American Journal Of Social Science And Education Innovations, 2(08), 576-582.
11. Сиддииков, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры молодёжи. Theoretical & Applied Science, (1), 61-66.
12. Bakhromovich, S. I. (2018). Social And Philisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. European Science Review, (7-8).
13. Bakhromovich SI. Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal Of Social Science And Education Innovations. 2020;2(12):364-9.
14. Bakhromovich Si. The Impact Of Managerial Professional Development On The Effectiveness Of Higher Education Institution Management. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. 2020;10(12):1014-20.
15. Siddikov, I. (2021). Gender Management Issues In Modern Pedagogy In Educational Institutions.
16. Siddikov, I. B. (2021). Modern Models Of Providing Autonomy Of Higher Educational Institutions (Analysis Of Foreign Countries Experience). Current Research Journal Of Pedagogics (2767-3278), 2(05), 25-31.
17. Bakhromovich, S. I. (2021). Development Trends And Transformation Processes In Academic Mobility In Higher Education In Uzbekistan And The World.